

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 10 май, № 88 (3887)


Чоршанба



ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ифодасидир, — деди Ислам Каримов. — Ўзаро алоқаримиз ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида муттасил тараққий этмоқда.



Мамлакатимиз раҳбару бу шартнома ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворидаги асосий ҳужжат эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоиз ортди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон билан Россия сиёсий ва иқтимоий соҳаларда, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хукуматлар, вазирлик ва идоралар, жомат ташкилотлари, ишбилармонлар доирасидаги алоқалар изчил ривожланимоқда. Иккала мамлакатда ҳам амалга оширилаётган иш-хотлар ва миллий дастурлардаги мутаносиблик, давлатларимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ҳамкорлик дикқатга сазовордир. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтимоий таъминот ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш икки мамлакатда ҳам устувор масалалардан саналади.

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

9 май — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатли тикланган, асл ҳақиқатни ўзида муқаммад этган муҳим тарихий санага айланган.

Ушбу байрам бу гал. Ҳомийлар ва шифокорлар йилда нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳўimmat, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шифокорликнинг ақлига инсонларга наётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳўimmat, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шифокорликнинг ақлига инсонларга наётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланган. Ило, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк галабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқийс матонатини ва хотираси олдида ҳўрмат билан бўш эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳўкумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жоматчилик вакиллари ташриф буюрган. Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жангхоҳларда кен берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари Ватанимиз фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она киёфасида изтироб ва умид намоян.

Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи ҳажон урушида жон фидо қилган минглар юртдошларимиз хотирасига ҳўрмат бажо этди.

— Бугун, 9 май — юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қўтлайман, — деди Ислам Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мана шундай улўғ кунда халқимиз шу ёрўғ ва фаровон кунларга шўркўнлар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусофоллиги учун жангў жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бож эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда ашвайтган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи ҳажон урушида фашизм устидан галабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳўзимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истикомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанимиз эркинлиги ва озолилиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларидан қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишни ўзи изтиробли. Зотан, жангхоҳларда ҳалоқ бўлган биргина одам ҳам — Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал яқун топди, орзу-умидлари рўёбига чиқмай ҳазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғам-алам, ҳарсрлар ётибди. Бева-бечороау етим-

есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиду надоматлари муқаммад шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башариат бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қанон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар қўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди нанкин мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

— Башариат ўз тарихида уруш ҳеч қанон ҳеч қанонга қарамай, ёрўғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганга қарамай, Ер юзиде урушни хоҳловчилар қанча маътагани ачинарлидир, — деди Ислам Каримов. — Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик қўзғатилмапти. Ироқдаги уруш, Эрон афродида уруш нафасини уфуратган қўқоқлик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсўсики, бу саволга ҳавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қанон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга энгиллик қўлган.

Шундай экан, урушларнинг олдин олиш учун нима қилиш керак, деган савол турлилиги табиий. Бунинг учун, аввало, ҳажонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлда саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада қўчураштириш борасидаги келдишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққийт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканлигини халқимиз, аввало, йилларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳўшёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бифарқ ва лоқайд қўзғатувчи сифатида эмас, уларга бевосита даъвод, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққийт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланишини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим тақлифларини баён қилди:

— Аввало, ёшларимиз тарихини қўчур ўрганишлари лозим, — деди Президентимиз. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истикболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга бепайсанд халқнинг келажига йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни қўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичиде қўлмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечгаги кун қўрғуликлар қайтадан бошимизга тушиб қўлиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечгаги кундан тўғри хўлоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихини пўхта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан гурурланиб яшаш керак. Чўнки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темуру каби шавқатли аждодларимизнинг, улўғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хўсусан, буюк келажакимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру гуруру этиб яшаш қийофа қилмайди. Гурурули, мард ёшларимиз буюк тарихини яратган аждодларнинг ворислари сифатида "Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдиришман?" деган тушунча ва интиллигини онгу шуурига жойлаб яшаш шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интиломок керак. Ана шунда буюк келажакимизни таъмин этган бўлишимиз. Аслида, биз ҳеч қанон ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган давватнинг мазмун-моҳиятида айни шундай интилли муқаммадир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи ҳажон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йилни худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилган. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қўлди. Фахрийларимизни тирикчилигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаб бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пирувариде. Ўтган даврда бу айёми кенг байрам қилиш юртимизда истикомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётли қарашлар эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

Шу кунни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озолилиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳўрмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадам-кеча қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.
Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Россия Федерацияси ҳўкумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев раҳбарлигидаги делегация 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Руслан Азимов ва Эргаш Шонматов ҳамроҳлигида "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилшаси" давлат акционерлик жамиятида бўлди.

Мехмонлар корхонада ишлаб чиқарилаётган замонавий Ил-76 ва Ил-114 самолётларини кўздан кечирди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳамда халқаро андозалар асосида тақомиллаштирилган юк ташувчи Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемаси 2005 йил августда Москва шаҳрида ўтган "МАКС-2005" авиасўсида муваффақиятли иштирок этган эди. Жорий йил май ойида унинг Берлинда ўтадиган "ИЛ-2006" халқаро авиакўргазмасида ҳам намойиш этилиши режалаштирилмоқда.

Д.Медведев корхона аэродромида янги Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемасини Россиянинг "Волга-Днепр" авиакомпаниясига топшириш маросимига иштирок этди. Мазкур авиакомпания

Ўзбекистонлик самолётсозлар ишлаб чиқараётган ушбу ҳаво кемасидан жорий йилда яна битта сотиб олиш истagini билдирган. Шу кунни меҳмон Тошкент Давлат техника университети ҳўзурдаги Компьютер технологиялари академик лицейи фаолияти билан танишди.

Д.Медведев Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга юксак бажо берди. Хўсусан, замонавий компьютер хоналари, электрон кутубхона, лаборатория, лингвафон хоналари шартли ҳажон талабларига тўла мос эканлигини таъкидлади.

Д.Медведев Республика шойишлик тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюриб, мазкур муассаса фаолияти, унинг техникавий имкониятлари ва салоҳияти билан танишди. 680 ўринли бу муассасада 25 жароҳлик ва 84 реанимация хонаси мавжуд. Маркази ҳодимлардан ўттизга яқинифан доктори, қарийб эллик нафари фан номзоди илмий

даражасига эга. Ўзбекистон шойишлик тиббий ёрдам илмий маркази билан Россиянинг қатор нуфузли тиббий муассасалари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жамлодан, сўнгги уч йил мобайнида юздан зиёд Ўзбекистонлик шифокор Москвада малака оширди.

Д.Медведев журналистлар билан учрашувда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларга юксак бажо берди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини тақомиллаштириш борасидаги таҳрибаси Россия учун фойдали бўлишини алоҳида таъкидлади.

— Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ислохот этиш борасида Ўзбекистон таҳрибаси билан танишиш мамлакатимизда миллий лойиқалар билан шуғулланаётган киши сифатида мен учун гоё фойдали бўлди, — деди Россия Федерацияси ҳўкумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ушбу таҳрибба жуда фойдали ва уни диққат билан ўрганиш лозим, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиде

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича Қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида "Банк ва молия бозорида ислохотларни қўчураштириш ва тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароит яратиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилнинг 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида белгила берилган асосий вазифалардан келиб чиқувчи иқтисодий ислохотларни янада қўчураштириш, тадбиркорлик учун қўлай шартли яратиш масалаларини муҳокама этдилар.

Давра суҳбати чоғида комплекс равишда банк хизматлари қўрсатувчи банкларнинг инфратузилмасини кенгайтириш кичик бизнес корхоналари, фермерлар ва аҳолининг банк хизматларидан кенг фойдаланиши масаласининг асосий ечимини экани таъкидланди. Шу мақсадда мамлакат ҳудудида тижорат банкларининг 789 филиали, 1715 минч-банк ва 711 иқтисослаштирилган омонат кассалари ташкил этилиб, фол хизмат қўрсатмоқда. Банк хизматининг яна бир замонавий шакли — пластик қарточкалардан фойдаланиш ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб пластик қарточкаларнинг умумий миқдори 2,3 миллион, уларга хизмат қўрсатувчи терминаллар сони эса 11,2 миңдан ошди.

Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик

ни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли ва микрокредитлар ажратилишида ҳам ўсиш тенденцияси давом этмоқда, 2005 йилда берилган бундай кредитлар ҳажми 19 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга суҳбат қатнашчилари банк-молия тизимидаги ислохотларни қўчураштириш ишларини фаолаштириш, тадбиркорлик, кичик бизнес, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, шунингдек, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини ривожлантириш учун қўнўчилик базасини тақомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокама чоғида қатнашчилар банк-молия тизимидаги ислохотларни қўчураштириш ва бунда тегишли тузилмалар иштирокини янада фаолаштириш, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шартли яратиш каби масалалар бўйича ўз тақлифларини ўртага ташладилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, корхона, хўсусий ва кичик тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи мутахассиси ва олимлари иштирок этди.

ЎзА.

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин.
Истеъмолчининг даромадлари ҳажми, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг истеъмолчи томонидан тақдим этилган таъминоти истеъмол кредити суммасини қайтариш ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак.
Молия истеъмол кредити бериш шартномаси ва унинг қара олувчи томонидан бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига кредит тарихини шакллантириш учун жойлаштирилади ва улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

Истеъмолчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил истеъмол кредитини қайтариш муддати тугаган, истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ истеъмол кредити суммасини қайтариши ҳамда мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаши шарт.

18-модда. Низоларни ҳал этиш
Истеъмол кредити бериш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-модда. Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.


21-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши
Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 май,
№ УРҚ - 33

8

Буқлаш чизиғи



**Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ**

**Истеъмол кредити
тўғрисида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово»
газеталари
2006 йил

Кўриқлиш чизиғи

истеъмол кредитининг объекти;
истеъмол кредитининг муддати;
истеъмолчининг фаолият тури ва даромадлари;
истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули.
Кредит бюртмаси бюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда истеъмолчи томонидан имзоланади.

9-модда. Кредит бюртмасини кўриб чиқиш тартиби

Истеъмол кредити берувчи ташкилот кредит бюртмасини олгандан сўнг кредит бериш тўғрисида ёки кредит беришни асослангилган ҳолда рад этиш ҳақида беш иш кун ичида қарор қабул қилади.

Истеъмол кредити бериш асослангилган ҳолда рад этилган тақдирда, истеъмол кредити берувчи ташкилот истеъмолчига бу ҳақида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Кредит бюртмаси истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилганда куйидагиларнинг тақлили амалга оширилади:

истеъмолчининг даромадлари етарлилигини ва кредит тарихини аниқлаш;
кредит бюртмасида баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги;
истеъмол кредити суммасини қайтаришининг мақбул истиқболлари маъжудлиги.

10-модда. Шартнома шартлари
Шартномада куйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

истеъмолчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;

истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг номи ва бошқа реқвизитлари;

истеъмол кредитининг объекти ҳақидаги маълумотлар;

истеъмол кредитининг умумий суммаси;
истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули;
фоиз ставкаси;

истеъмол кредити берувчи ташкилот талаб қилган тақдирда, сотиб олинган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қийматини олдиндан тўлаш учун бўнақ миқдори;

истеъмол кредити бериш ҳамда унинг суммасини қайтариш тартиби ва муддатлари;
тарофларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарофларнинг жавобгарлиги;
шартноманинг амал қилиш муддати;

4

Буқлаш чизиғи

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

11-модда. Шартноманинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказиш

Шартнома ёзма шаклда тузилади.
Шартнома куйидаги ҳолларда нотариал тартибда тасдиқланади:

тарофлардан бирининг талаби бўйича;
истеъмол кредити объекти бўлган мол-мулк бўйича битимлар қонунга мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланиши талаб этилган тақдирда.

Шартнома қонун ҳужжатларига назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

12-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шартнома шартлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, тарофларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинган ва уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома товар истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилган кундан эътиборан бир ой ичида истеъмолчи томонидан бекор қилиниши мумкин. Шартнома бекор қилинган тақдирда, товар истеъмол кредити берган ташкилот сотиб олинган товар (иш, хизмат) учун тўланган пул суммасини истеъмолчига қайтариб беради.

Истеъмолчи фойдаланилмаган молиявий истеъмол кредитидан воз кечиш ҳақида молиявий истеъмол кредити берган ташкилот шартнома тузилган кундан эътиборан икки hafta ичида ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур кредитдан воз кечишга ҳақли.

Истеъмолчи шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида истеъмол кредитидан фойдаланмаган тақдирда, истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида истеъмолчини ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бекор қилинган тартибда бекор қилишга ҳақли.

Ёзма хабар топширилган ёки почта орқали жўнатилган сана мазкур ёзма хабар юборилган сана ҳисобланади.

13-модда. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
истеъмол кредити бериш қондалари билан танишиб чиқиш;
ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан

5



9 МАЙ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Хотира ва қадрлаш
қунида Ватанимизнинг озодлиги йўлида мардлик ва
жасорат кўрсатган фахрийларга чуқур миннатдорчилик
билдирамиз ва уларга саломатлик, бахт ва шодлик
тилаймиз. Уйингизда доимо тинчлик, фаровонлик,
чароғонлик бўлсин!

«Ўздунробита» компанияси

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Tempus TACIS
JEP 23142-2002



ТЕМПУС/ТАСИС халқаро лойиҳаси остида
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти
Соғлиқни сақлаш тизимини
бошқариш ва жамоат соғлиғи йўналиши
бўйича МАГИСТРАТУРАДА ўқиш учун
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таклиф этилган курсда тингловчиларга куйидагилар ўргатилади: иқтисодиётнинг асосий принциплари ва соғлиқни сақлаш сиёсати, тиббиёт муассасаларининг менежменти ва маркетинги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги молиялаштириш ва сарф-харажат принциплари, тиббиёт муассасаларининг логистик бошқаруви, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий аспекти ва ҳоқ.

Ўқиш давомийлиги — 2 йил.
Ўқиш 2006 йил 1 сентябрдан бошланади.
Ўқиш асосий фанлардан **инглиз тилида** олиб борилади.
Ўқиш замонавий ўқитиш ва таълим бериш усулларига таянган ҳолда, Болон Декларацияси талабларига жавоб беради.
Ўқиш муваффақиятли тугаллангандан сўнг **соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш** мутахассислиги бўйича **магистрлик дипломи** берилади.

Кирувчилар учун ТАЛАБЛАР:

- * ректор номига ариза;
- * олий тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик ҳақида диплом (баҳолар кўрсаткичи билан);
- * автобиография;
- * характеристика;
- * 6 фотосурат 3Х4см ҳажмда
- * соғлиқ ҳақидаги маълумотнома 086 у/ф;
- * **инглиз тили** бўйича муккамал билим.

Аризаларни топшириш муддати — 2006 йил 31 июлгача.

Барча қўшимча маълумотларни соат 10.00 дан 17.00 гача куйидаги телефон (99871) 162-34-22 ёки uzhealthtemp@ars-info.uz электрон почта ҳамда www.MAHMIT.com веб-сайт орқали олишингиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкнинг хабари**

Валютани тартибга солиш бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатларни бузиш ҳолатларига йўл қўйганлиги, хусусан, жимсоний ва юридик шахсларнинг банклардаги омонатларининг бут сақланиши таъминланмаганлиги, омонатчилар ва кредиторлар манфаатига аниқ хавф туғдиргани учун «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ «Равнақ-банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банкидан чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг Бош лицензияси жорий йилнинг 5 майдан қайтариб олинди.

Офис ва хусусий уйлар архитектура ва қурилиш ишларини бажарамиз.
Телефонлар: 68-79-82, 336-52-99.

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги «DENTA-SERVIS» хусусий фирмасининг низоом жағдариаси 58609876 сўмдан 21671121 сўмга камайтирилди.
Маълумот учун телефонлар: 3952356, 3679709.

Хурматли хотинлар ва қаноблар!

«ЎЗБЕКИСТОН»
ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

сизларни Кисловодск ва Ялта шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатгоҳларида, табиат қўйнида ҳордик чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишингизни таклиф қилади.

Ўзбекистон фуқаролари учун нархлар арзонлаштирилган.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов к., 65-уй.
Телефонлар: 132-13-67, 133-64-92, 133-55-18.

УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН:
ТАБИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.

Кандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» қўшимчаси турли хилдаги **печенье, вафли, кекс ва рулетларни** ишлаб чиқариш учун.

Кандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси, **бисквит, рулет, торт, пирожний, крем** ишлаб чиқариш учун.

Бу қўшимчалардан фойдаланиш куйидаги **натжаларга олиб келади:**
- таъбир маҳсулот нархининг пасайтирилишига,
- ишлаб чиқариш жарайини тезлаштириш ва энгиллаштириш,
- маҳсулот таъми, кўриниши ва ҳажмининг оширилади,
- ишлаш муддатини оширади, қотиб қолишга ва қўнақлашга йўл қўймайди.

Хар хил шартонда ва турли усқуналарда қўлланиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни куйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: ООО «СНІІТ» FOOD TECHNOLOGIES, Тошкент шаҳри, Катортөл кўчаси, 60. Тел. 173-53-56, факс 173-53-57, e-mail: info@snit.uz

**российский
линолеум**

производство
ОАО «ЩекиноАзот»
г. Тула

тел. 134-48-11,
факс 134-49-58.

И славянские обои

истеъмол кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш; шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш; тегишли даражада сифатли бўлмаган сотиб олинган товарнинг (ишонч, хизматнинг) алмаштирилишини талаб қилиш ёки уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаганда шартномани бекор қилиш; истеъмол кредити берувчи ташкилотдан шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Истеъмолчи: истеъмол кредити олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиши; банк ёки бошқа кредит ташкилотидан олинган молиявий истеъмол кредитидан шартномага мувофиқ белгиланган мақсадда фойдаланиши; товар (иш, хизмат) ҳақини шартномага мувофиқ ўз вақтида тўлаши;

олинган молиявий истеъмол кредитини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фойзаларни тўлашни шартномада белгиланган тартибда ҳамда муддатларда амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

14-модда. Истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Истеъмол кредити берувчи ташкилот куйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчига истеъмол кредити бериш ёки истеъмол беришни асосланган ҳолда рад этиш; истеъмол кредити бериш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни истеъмолчидан сўраб олиш; тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, берилган истеъмол кредити суммаси муддатидан илгари қайтариб берилишини ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фойзалар тўлашини талаб қилиш.

Истеъмол кредити берувчи ташкилот:

истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан истеъмол кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида истеъмолчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;

молиявий истеъмол кредитини ёки товарни (иш, хизматни) шартномада белгиланган тартибда ва муддатда бериши;

истеъмол кредити бериш қоидаларини ҳамма тани-

Буқлаш чизиги

булиб-булиб тўлаш тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир.

Истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар товар истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

6-модда. Истеъмол кредити объекти
Жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин.

Кўчмас мулк, шунингдек қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин эмас.

7-модда. Истеъмол кредити бериш

Истеъмол кредити истеъмол кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмол кредити шартномаси (бундан бундан бундан шартнома деб юритилади) бўйича тўловлик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади.

Истеъмол кредити ўз фойлияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга (бундан бундан бундан даромадлар деб юритилади) эга бўлган жисмоний шахсларга берилади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари ҳамма танишиб чиқиши учун очик бўлиши ва уларда истеъмол кредити бериш шартлари, шунингдек кредит миқдори, уни бериш муддати, физ. ставкаси, истеъмолчи тўлаши лозим бўлган тўловлар жадвали тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кредитга сотиш сотув кунда амалда бўлган нархлар бўйича амалга оширилади. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг кейинчалик ўзгариши шартнома тарофларининг мажбуриятларига таъсир этмайди.

8-модда. Истеъмол кредити олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Истеъмол кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмолчи истеъмол кредити олиш учун кредит бюртимасини ва ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатларни истеъмол кредити берувчи ташкилотга тақдим этади.

Кредит бюртимасида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

истеъмолчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;

Кирқиш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Истеъмол кредити тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 22 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
Ушбу Қонуннинг мақсади истеъмол кредити бериш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатларига назарда тутилган бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Истеъмол кредити тушунчаси ва шакллари
Истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчи) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир.

Молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредити истеъмол кредитининг шакллари.

4-модда. Молиявий истеъмол кредити ва уни берувчи ташкилотлар
Молиявий истеъмол кредити сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир.

Банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

5-модда. Товар истеъмол кредити ва уни берувчи ташкилотлар
Товар истеъмол кредити сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини

Буқлаш чизиги

шиб чиқиши учун қулай бўлган жойга жойлаштириши; товар истеъмол кредити берилганда, товарни (иш, хизматни) сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириши, бундан нархларда фарқ бўлган тақдирда, истеъмолчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга ошириши; шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини истеъмолчига қоплаши шарт.

Истеъмол кредити берувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Молиявий истеъмол кредитининг хусусиятлари
Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланилганда: шартнома истеъмолчи томонидан товарни (хизматни) сотиб олишга доир шартнома кунга киргунинга қадар ёки кунга кирганидан кейин тўлиги мумкин;

истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Молиявий истеъмол кредити бериш Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг бандажи ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Молиявий истеъмол кредитининг нақд пулда берилишига йўл қўйилмайди.

16-модда. Истеъмол кредитини муддатидан илгари қайтариш
Истеъмолчи олинган истеъмол кредити суммасини қайтариши ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фойзаларни тўлашни муддатидан илгари амалга оширишига ҳақли. Бундай ҳолда истеъмолчи фақат истеъмол кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фойзалар тўлайди.

17-модда. Истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш
Истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши:

банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати; учинчи шахсларнинг кафолати; мол-мулк ва қимматли қозғалар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари;



Мамлакатимиз мактаб ўқувчилари ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа тарих мулкига айланди. Қарши шаҳридаги спорт майдонларида тўрт кун давом этган «Умид ниҳоллари – 2006» мусобақалари ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 2002 нафар ёш спортчи ғолиблик учун баҳслашди. Бундай катта спорт байрамларида Олимпиаданинг «Энг муҳими галаба эмас, балки иштирок этишдир», деган машҳур шioriга амал қилинса-да, мусобақалар қизгин кураш остида ўтди. Спортнинг барча турларида қатнашчилар ёшларига хос шиддат ва шижоат намуналарини намойиш этдилар. Ҳеч ким ортда қолишни истамасди.



ҚАЛБЛАРГА ҚЎЧГАН АЛАНГА

«Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг дастлабки ғолиблари «Олимпия захиралари» спорт коллежининг сузиш ҳавасасида аниқланди. Қизлар ўртасида 50 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича энг яхши натижа кўрсатган Тошкент шаҳри вакили Ольга Гнедовскаяга биринчи олтин медаль топширилди. Ўғил болалар ўртасида эса навоийлик Илья Шаровин 29,2 секунд натижа кўрсатиб, «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг рекордини янгиллади. Шу масофага батерфляй усулида сузиш мусобақасида қизлар ўртасида Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзоси Нодира Олимжонова, ўсмирлар ўртасида андижонлик Шохрух Юнусов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шу кун сузиш мусобақаларида яна 8 комплеккт медаллар ўз эгаларини топди.

Футболчилар «Насаф» ва «Динамо» стадионларида, бадий гимнастикачилар «Олимпия захиралари» спорт коллежи манежидида, спорт гимнастикачилари Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини, баскетболчи ўсмирлар «Нуристон» академик лицейи, баскетболчи қизлар банк коллежи, волейболчи ўсмирлар «Насаф» стадиони, волейболчи қизлар университет қошидаги академик лицейи спорт залларида беллашдилар. Қўл тўпи бўйича мусобақалар муҳандислик-иқтисодий институтини, «Олимпия захиралари» коллежи, стол теннис бўйича бахслар Ахборот технологиялари коллежи спорт залларида, полвонлар беллашувлари «Олимпия захиралари» коллежи манежидида бўлиб ўтди. Шахматчилар университет қошидаги академик лицейнинг мажлис залларида ғолиблик

учун кураш олиб бордилар. Мусобақа ўтказилган манзилларни батафсил санашимизнинг боиси шундаки, улар ҳаммаси бир ҳудудда — Қарши шаҳрида жойлашган.

Спортчилар шу ўқув юртиларидаги талабалар турар-жойларида истикомат қилдилар. Бу эса мусобақаларни ташкил этиш, овқатлан-

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Икром Отамурод, Исмоил Тўхтамшиев каби шоирлар билан учрашувлар мусобақа қатнашчиларининг сира ёдидан чиқмайди.

— Беллашувлар жуда яхши ташкил этилди, — дейди сирдарёлик Ҳамза Шуниси эътиборга лойиқки, спортнинг барча турлари бўйича беллашувларда адолат мезони устувор бўлди, кучилар ғолиб чиқиши. Спорт турлари бўйича хурмат шохсунасига кўтарилган спортчиларга қўмнатбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ғолибларга 202 донна спорт велосипеди берилди. Бундан ташқари, барча спорт турлари бўйича энг яхши спортчилар аниқланиб, улар компьютер, телевизор билан тақдирланди.

8 май кунини кеч соат 17.30 да «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Бу тадбир ҳам бундан тўрт кун олдин очилиш маросими бўлиб ўтган янги Марказий стадионда ўтказилди. Байрамона безатилган стадионни тўлдириб турган томошабинлар спорт майдонларида ғолиблик учун мurosасиз кураш олиб борган ўсмирлар ва қизларни олқишлар билан кутиб олдилар. Майдонда мусобақа ғолиблари ва совриндорлар саф тортиди. Шунини таъкидлаш керакки, спортнинг кўпгина турларида ғолиблик учун Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари вакиллари тенг баҳслашдилар. Умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамғарган поитхликлар «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг бош совринини қўлга киритдилар.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақалари қатнашчиларига



Маматов. — Мен белбоғли кураш мусобақаларида қатнашиб, махсус соврин эгаси бўлдим. Бу ердаги спорт иншоотлари мени ҳайратга солди. Бундай залларни, стадионларни ҳеч жойда кўрмаган эдим. Қашқадарёлик спортчилар жуда яхши шариот яратиб берилибди. Бундай шароитда машқ қилсанг, натижа ҳам шунга яраша бўлади. «Умид ниҳоллари»нинг кейинги мусобақаларига биз мезбонлик қиламиз. Уйлайманки, Гулистонда ҳам Қаршидагидек яхши тайёргарлик кўрилади.

Мусобақаларда бевосита иштирок этган қўллаб-қувватловчи, қадамлар, мураббийлар ҳам бу ерда яратилган шароитдан, дўстона муҳитдан жуда мамун эканликларини изҳор этдилар.

«Халқ сўзи» мухбири, СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларидан лаҳзалар.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

тириш ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда катта қулайлик туғдирди.

Шу ўринда спортчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга қаратилган тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталишни истар эдик. Чунки «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бош гоёси ўқувчиларни оммавий спортга кенг жалб этиш билан бирга, уларни юксак маънавиятга, ватанпарвар, қомил инсон қилиб вояга етказишдир. Мусобақадан кейинги мулоқотлар, маданий тадбирлардаги учрашувлар чоғида спортчилар янги-янги дўстлар орттирдилар. Қашқадарё вилоятининг тарихи, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Олий ҳужжатларнинг бўлим бошлиғи Ҳамза Файзиёвнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжатлар суди жамоаси Олий ҳужжатлар суди қадрлар бошқармасининг бош махсатчииси Азамат Дўстобоевнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси академик ректори Қўямиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қўямиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қўямиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қўямиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қўямиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 хиссада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълоплар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзев томонидан сақфаланди.

Тақририда ҳажми 5 қоғоздан эъди материаллар қабул қилинади.

Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Набатчи — М. Ғофуров.
Мусоҳаҳчи — Б. Бекқулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲАА акция —

Тошпирилди — 13345/